



ЖАМИЯТ

№ 08 (785)
2022 йил
3 март,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

www.bonguz.com

@jamiyatgzt@mail.ru

t.me/bonguz1

Фақат сайловларда эмас, балки сайловлар оралиғида сиёсий партиянинг тарғиботини янада кучайтириш, аввало, сиёсий ва ҳуқуқий билимларга эга кадрлар билан таъминлаш – сиёсий партия мавжудлигининг муҳим ва бирламчи омили саналади.



МАВСУМДА “УЙФОНАДИГАН” ПАРТИЯЛАР

»3

ИБН СИНО РАССОМ
БЎЛГАНМИ?



Дунёда инсон омили тараққий этиб, санъат соҳасига бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Чунки давлатнинг тараққий этиши мазкур жамиятдаги инсонларнинг маданий онгини юксалтириш билан бевосита боғлиқ. Инчунин, мамлакатимизда тасвирий ва амалий санъат соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мақсадли ишлар амалга ошириляётир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорининг қабул қилиниши соҳада янги даврни бошлаб берди.

»8

МАНСАБДОРЛАР КЎП ТАҢҚИДГА УЧРАЯПТИ



»6

Ўзбек мумтоз адабиёти, санъати нодир асарларга бой. Умри боқий ғазалларимиз, куй-қўшиқларимиз кўп. Аммо кейинги йилларда мумтоз жанрларга “қўл урилмай” қолганди. Тўғри, аруз вазнида ёзиш учун муайян билим ва тажрибалар керак, қолаверса, аруз илмидан хабардор бўлишга тўғри келади.

Сўз ва Соз “суҳбати”

»8



ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Оломон орасида бир инсон мувозанатини йўқотиб, ерга йиқилди. Ҳеч бир ўйловсиз, ҳеч бир иккиланишларсиз яқинидагилар дархол уни тик туришига кўмаклашишди. У оёққа турди. Дарҳақиқат, ерга йиқилган одам ёшидан, миллатидан ва жинсидан қатъи назар, энг аввало, у инсон. Унинг номи ҳар бир замонда ва ҳар бир маконда қадр деган тарози билан ўлчанган. Қадр сўзи “юксак шараф”, “миқдор”, “белгиланган вақт ёки макон” каби маъноларни англатиши билан бирга инсон сўзи билан ишлатилганда борликни, мавжудликни сифатлайди.

Негаки, инсон – буюк хилқат. Шарқ халқларида ажодлардан авлодларга мерос бўлаётган, асрлар оша сайқал топаётган ҳар бир миллий кадриятнинг замирида инсонни кадрлаш ўз аксини топган. Муқаддас Ислон динида ҳам инсон кадрини ҳамма вақт, ҳар ерда улуғлаш буюрилган, унинг шарафи олий даражага кўтарилган. Инсоннинг рухий-маънавий олами қанча бой бўлса, унинг қадр-қиммати шунча ошади.

Болалигимизда подшо ўз кизини турмушга узатиш учун дунёдаги энг билимдон, энг жасур, энг мард йигитлар ўртасида мусобақалар уюштиргани ҳақида кўп эртақлар ўқиганмиз. Куч билан эмас, билимда, деган доно ақидага амал қиладиган бўлсак, илмли, тафаккури кенг инсон ўз билими билан дунёни забт этишига ишонамиз. Маънавий комиллик эса илм-маърифат негизиде вояга етади.

Ажодларимизнинг Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврини куришларига ҳам айнан илм-маърифат асос бўлди. Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг даврийлиги эса ушбу жараёнларда инсон омили эъзозланиши, юксак кадр топиши билан баҳоланади. Илм зиёси билан йўғрилган, турмуш тарзида ўзига хос миллий кадриятлар чиройли аксини топган мазкур даврлар инсон кадрини улуғлаши орқали жаҳонни лол қолдирди. Ажодларимиздан қолган буюк мерос — Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даври ва мазкур даврларда тараққий этган илм-маърифат, юксак маънавият Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворида тамал тошини кўйди.

Давлатимиз раҳбари янги йил муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригида 2022 йилни “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилди. Бу билан инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилининг манфаати хамиша юқори ўринда туриши керак, деган халқпарвар ғоянинг узвийлиги яна бир бора ўз тасдиғини топди.

Инсон кадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, демаскидир. Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўринга эга. Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади. Шу боис,

бундан буён ҳар бир маҳаллада самарали иш олиб бориш фаолиятимизнинг бош мезонига айланиши қайд этилди. Бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни таъминлашга устувор аҳамият қаратилишига урғу берилди.

Шунингдек, табрикда 2022 йилда иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш эътибор марказида бўлиши, юртимизни янада обод қилиш, замонавий уй-жойлар, жумладан, барча ҳудудларда “Янги Ўзбекистон массивлари”ни қуриш асосий вазифаларимиздан бирига айланиши таъкидланди.

Янги иш ўринларининг яратилиши барча даражадаги раҳбарларнинг эътибор марказида туриши кераклиги бежиз бот-бот таъкидланмаяпти. Чунки одамлар ишли бўлса, аҳолининг жон бошига даромади кўпайса, ҳаётда катта мақсадлар билан яшайди, оиласида тинчлик, ишида унум бўлади.

Қисқа фурсатда юртимизда ҳаётнинг барча жабҳаларида туб бурилишлар ясаган дадил қадамлар ташланиб, мисли кўрилмаган ишлар қилинди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон ўз тараққиётида янги босқичга кўтарилди. Ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида бошланган демократик ислохотлар йўлини янада қатъий давом эттиришига, бош мезони “Инсон кадрини учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқаришига қаратилган “Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосидаги Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси эълон қилинди. Ушбу стратегия ҳам юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлиги, қонуний манфаатлари энг олий кадрият этиб белгилангани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида бош мезон этиб белгиланган “Инсон кадрини учун” деган тамойили ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароитини яратишни назарда тутди. Жумладан, ўтган давр мобайнида ушбу тамойил асосида барча соҳада туб ўзгаришлар қилинди. Бу

йилнинг номланиши ҳам айнан инсон кадрини учун деган юксак ғоянинг замирида бунёд этилгани бежиз эмас. Юртимизда ҳар бир соҳада рўй бераётган ўзгаришлар, аввало, инсон учун яратилган қулайликларнинг ёрқин ифодасидир.

Янги иш ўринларининг яратилиши барча даражадаги раҳбарларнинг эътибор марказида туриши кераклиги бежиз бот-бот таъкидланмаяпти. Чунки одамлар ишли бўлса, аҳолининг жон бошига даромади кўпайса, ҳаётда катта мақсадлар билан яшайди, оиласида тинчлик, ишида унум бўлади. Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бутунлай янги тизим яратилгани ва бу борадаги ишлар изчил давом этаётгани албатта, қувонарлидир. Айниқса, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”нинг жорий этилгани ишсизликка барҳам беришда катта ўрин тутмоқда. Хонадонма-хонадан юрилиб, оилалар ўрганилаётгани, уларнинг ижтимоий муаммолари ҳал этилаётгани, ишсиз-

сивларда 250 мингдан зиёд оила уй билан таъминланиши назарда тутилган.

Ҳар бир оилада ўртача 4-5 кишидан бўлса, 1 миллиондан зиёд аҳоли обод манзилларга кўчиб чиқади. Мактаб, боғча, поликлиника, спорт майдони, иш жойи ва энг замонавий маиший хизматлар бир қатор ҳамюртларимизнинг турмушига фаровонлик, кўркамлик олиб келади. Дарвоқе, ушбу ҳаракатлар ҳам инсон кадрини бирламчи ўринга кўйишига қаратилган, албатта.

Инсон кадрини ғояси бугун пайдо бўлмаган, дедик. Булар охириги беш йилда амалга оширилган ишлар мисолида ҳамир учидан патир, десак, муболаға бўлмайди. Мажбурий меҳнатга чек қўйилгани, инсонийлик нуқтаи назаридан аксарият маҳкумларнинг афв этилгани, “Меҳр” операциялари каби яна кўп кўзга кўринарлиқ ишлар ҳам борки, уларнинг замирида ҳам минглаб тақдирларни ҳаётдан завқланиб яшашга, жамиятда соғлом муҳит яратишга чорловчи омилар ётибди.

Айталик, валюта айрибошлаш, пластик карточкадаги маблағни нақд пулга айлантириш каби масалалар энг оддий бўлса-да, бу соҳаларда яратилган қулайликлар мамлакатимиздаги ҳар бир оилага, ҳар бир инсонга дахлдорлиги сабабли кенг қўламли ҳисобланади. Тадбиркорлар хоҳласа сўмда, хоҳласа хорижий валютада бизнес қиляпти. Ортиқча текшир-текшир, таъкиблар йўқ.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йилнинг 26 январь куни Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокама маси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида юртимизда инсон кадрини улуғлашига доир вазифалар белгиланди. Бинобарин, инсон кадрини улуғлаш, халқпарвар давлат, дегани куруқ гаплар эмас, аниқ мақсадлар, сабаби, буларнинг натижаларини аллақачон кўряпмиз, ўз ҳаётимизда сезяпмиз.

Зеро, Ўзбекистонда туғилиб ўсган, Ўзбекистонни соғиниб яшайдиган ҳар бир юрт фарзанди ватаннинг бир парчаси ҳисобланади. Ёшидан, миллатидан, касб-коридан, қайси даврда ва қайси маконда яшайдиган қатъи назар, юрт учун беминнат хизматлари синган, фидокорона меҳнат қилаётган ҳар бир инсон кадрларини арзирли. Ватан танланмагани каби инсон кадрини ўлчанмайди. Инсон кадрини улуғлаган юртнинг кўрғони мустаҳкам бўлиб бораверади.

Бўри ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими,
тарих фанлари номзоди, доцент

“Жаҳондаги илғор тажрибалар асосида партиялар ўз сиёсий манфаатлари, ўз электорати манфаатларини ифода этадиган қонунларни қабул қилиш учун парламентда қизгин баҳс олиб боришлари керак”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Хар бир жамият демократлашув жараёнининг ўзига хос белгилари билан ажралиб туради. Аммо бу ислохотларнинг тақомили жамият аъзолари, яъни фуқароларнинг фаоллиги ҳамда уларни бирлаштириб турувчи ижтимоий-сиёсий институтларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, фуқаролар фаоллиги суғулган давлат ва жамиятлар инкирозга мубталодир.

Сиёсий партиялар – фуқароларнинг манфаатларини давлат бошқаруви микёсида ифода этувчи фундаментал кучга эга бўлган йирик сиёсий институтдир. Бошқача қилиб айтганда, бошқарув маҳоратининг муҳим объекти сифатида сиёсий партиялар жамиятда демократик кадрларни аҳолига етказиш ҳамда жамият аъзоларининг сиёсий фаоллиги, маданиятини оширишнинг “олий сиёсий мактаби” (муаллиф) ҳисобланади. Маълумот учун, ривожланган мамлакатларда сиёсий партиялар фуқароларнинг мақсадларини биринчи қўйганлиги учун демократия ўзига хос ўринга чиққанлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида сиёсий партиялар шаклланишининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистонда биринчи партия 1991 йилда ташкил этилгани, аввало, Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан бориши аниқ эканлигини кўрсатиб берувчи омил бўлди.

Фикримизча, қисқа муддат ичида сиёсий партиялар кўйидаги йўналишларда муваффақиятга эришди:

Фуқароларнинг давлат бошқаруви ва унинг асосий мақсадлари ҳақида тасаввурлари ҳамда унга бўлган ишончи шаклланди. Совет Иттифоқи тарқаб кетгач, фуқароларда янги бошқарув мустақил Ўзбекистон Республикаси бошқаруви бўлиши ва унинг янгича тараққиёт тамойилларига ишонч ҳиссини шакллантирмасдан туриб, кўп (135 дан ортик) миллатли ҳамда кўпсонли (20 млн. дан зиёд, 1991 йил ҳолатига) аҳоли турмуш даражасини ривожлантиришнинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ эди. Бунда сиёсий партиялар ҳақиқий маънода “forward (олға бошловчи куч)” вазифасини бажариб берди, десак муболаға бўлмайди.

Мустақилликнинг олий неъмат экани, уни сақлаш ва авайлаш зарурлиги ҳақидаги ғояларга эргаштириш

йўлида собитқадамлик билан олға қадам ташланди. Хар қандай мамлакатда мустақиллик осон эришилган ютуқ ҳисобланмайди. Бунда ўзига хос машаққат ва қурбонлар бўлиши тарихдан маълум. Аммо энг мушкул муаммо – уни сақлаб қолиш ва авайлаб-асраш ҳисобланади. Сиёсий пар-

ротлашув ва медиа макон уларга жиддий таъсир кўрсатувчи, чалғитувчи сифатида ҳам намоён бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Сиёсий беғоналашув, айниқса, ёш авлод орасида кучайиб бораётган сиёсий партиялар фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бунда сиёсий партияларнинг сайловолди ғояларини янада мустаҳкамлаш, янги замон аҳолиси ва ёшлари манфаатларига мослигини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Аҳоли орасида “сайловлар оралиғи” (яъни фақатгина, сайлов арафасида сиёсий партия ва улар ном-

МАВСУМДА “УЙҒОНАДИГАН”



ПАРТИЯЛАР

тиялар, том маънода, мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолининг кўпчилик қисмини бирлаштирган сиёсий институт сифатида давлат бошқарувини янада мустаҳкамлаши билан бирга, аҳоли орасида мустақилликнинг кадр-қиммати ҳақида ташкил этган тарғиботлари орқали ҳам юқоридаги мақсадларни дадил амалга оширди. Сиёсий партиянинг жамиятдаги энг асосий нуфузи унинг ғоя ва уни тарқатиш технологияларидан қанчалик фойдаланиши билан изоҳланади.

Давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини шакллантиришда сиёсий партиялар асосий сиёсий технологиялар мурвати вазифасини бажариб берди. Ўзбекистон тарихида биринчи сайловларнинг ташкил этилиши ҳамда уларнинг кейинги ривожидида сиёсий партиялар муҳим ўрин эгаллаб, янги бошқарув тизимини шакллантиришнинг асосий объекти ва субъекти сифатида намоён бўлди, десак, хато бўлмайди. Бунда 1991 йилдаги Президент сайлови, 1992 йилда маҳаллий кенгашларга бўлган сайловлар уларнинг мустақилликнинг дастлабки давридаги сиёсий мақомини кўрсатиб берди.

Глобаллашув жараёни – бугун давлатлар ва жамиятларга ўзининг ижобий таъсири билан бирга, салбий тарафларини ҳам кўрсатмоқда. Зотан, фуқаролар жамиятнинг асоси эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бугун ахбо-

зодларининг фаоллашуви – муаллиф) номли салбий тушунча бугун сиёсий партияларга қўйилган энг ёмон тамғадир. Шу нуктаи назардан глобаллашув шароитида Ўзбекистонда сиёсий партиялар ўз фаолиятида қатор муҳим вазифаларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ.

Биринчидан. Сиёсий партиялар давлат бошқарувида ва жамият ўртасида ўзининг аниқ амалийлигини таъминлашга эга бўлган дастурида таъсир механизмларини янада такомиллаштириши зарур. Аҳоли орасида сиёсий партиялар ҳақида аниқ тасаввур ва ишонч ҳиссини уйғотиш давр талаби. Партиялар демократиянинг жамият “кўзгуси” – парламент фаолиятини ташкил этиш, доимий такомиллаштириш билан яна бир муҳим, яъни билвосита сиёсий бошқарувни амалга оширишда иштирок этиши билан ажралиб туради. Бунда сиёсий партияларнинг асосий вазифаси – аҳолининг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ҳамда давлат бошқарувида бевоқифа ёки билвосита йўналтиришдан иборат. Масалан, Швецияда сиёсий партияларнинг сони 800 дан ортади, аммо улар орасида “Жонглёр партия”си ўзининг ноанъанавий сиёсий услублардан фойдаланиши туфайли давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Иккинчидан. Сиёсий партиялар бугунги кунда илғор хорижий тажрибаларнинг сиёсий технологияларини

ўрганиш, доимийлигини таъминлаш ҳамда уни қўллаш тизимини йўлга қўйиши лозим. “Фуқаро – жамият – давлат” номли ғоявий мафқуранинг тарғиботчиси бўлиши, шунингдек, давлат бошқарувини доимий ислох қилиш, сиёсий элиталарни тайёрлаш “сиёсий фаолият маркази” ва, энг асосийси, фуқароларнинг турли сиёсий кампанияларда (сайловлар, референдум) иштирокини таъминлаган ҳолда, аҳолининг сиёсий саводхонлик даражасини доимий тарзда юксалтиришга ҳисса қўшиши зарур. Бу ҳолат, айниқса, замонавий демократик ўзгаришлар, сиёсий тизимни мустаҳкамлаш, бошқарувни демократлаштириш томон қадам ташлаётган Ўзбекистон мисолида доимо муҳим аҳамият касб этувчи хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Учинчидан. Фақат сайловларда эмас, балки сайловлар оралиғида сиёсий партиянинг тарғиботини янада кучайтириш, аввало, сиёсий ва ҳуқуқий билимларга эга кадрлар билан таъминлаш–сиёсий партия мавжудлигининг муҳим ва бирламчи омили саналади. Бунга Германия, Финляндия ва Сингапур давлатларида сиёсий партияларга ишга қабул қилишда сиёсий билим ва тафаккур биринчи ўринга қўйилишини мисол қилиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистонда демократик ислохотлар самардорлигини янада оширишда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, уларга бўлган ишонччи юксалтиришни таъминлаш мақсадида айнан сиёсий партиялар фаолияти билан боғлиқ ўқувлар ва ўқув марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса соҳанинг мукамал мутахассислари шаклланишига замин яратади.

Сиёсий партияларнинг аниқ ўз мафқурасига эга бўлишларини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Умумий фикрлардан воз кечиш, аниқ дастур ва мақсадга эга бўлиш тизимини шакллантириш лозим ва зарур. Сайловлар турли ғоялар асосида жамоатчиликка таъсир этиш майдони ҳисобланиб, унда давлат ва жамиятнинг кейинги ривожланиш имкониятлари мужасамдир. Демак, бунда сиёсий партиялар асосий фуқароларнинг ягона ғоя ва мақсадлар асосида бирлаштиришда етакчи куч вазифасини бажаради. Шунда фуқароларнинг ишончи янада мустаҳкамланади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш масаласи, аввало, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш ҳамда демократик ислохотларни янада мустаҳкамлаш асосида Янги Ўзбекистон моделини яратишнинг асосий кафолати сифатида намоён бўлади. Зеро, сиёсий барқарорлик, биринчи галда, фуқароларнинг сиёсий онги ва маданияти даражаси, савияси билан белгиланади.

Ғолибжон МАҲАММАДЖАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик
муаммолари ва парламент
тадқиқотлари институти БМТ ўқув
маркази раҳбари



МАСЛАҲАТГҲЙ, КҲМАКЧИ, ҚАДРДОН

Президентимиз таклифи ва ташаббуси асосида 2022 йил мамлакатимизда “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” дея номланди. Бу эса ўз навбатида маҳалла тизими ходимлари олдида муҳим вазифаларни қўйди, зиммаларидаги масъулият юкини оширди. Ушбу жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда Самарқанд вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси “Энг фаол маҳалла – менинг маҳаллам!” шиори остида акция эълон қилди.



Акция қуйидаги мавзуларда ўтказилиши белгилаб қўйилди:

– “Ободлик – маҳалладан бошланади”;

– “Менинг маҳалламда жиноят содир этилмайди”;

– “Ёшларнинг маънан ўсишида нурунийларнинг роли”;

– “Маҳалла тарихи – ёшларнигоҳида”;

– “Мен, отам-онам, биз спортчи оиламиз”;

– “Маҳалладаги ижтимоий қатламга муҳтож хотин-қизларнинг бугунги куни”.

Ушбу акцияда фаол иштирок этиш вилоятдаги ҳар бир маҳалланинг вазифаси, бурчига айланган. Аслида, уларнинг аксариди азалдан ободликка жиддий эътибор қаратилган, жиноятчиликнинг олдини олиш йўлида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган, ёшлари нурунийлар меҳридан доимий баҳраманд бўлишган, маҳалла тарихини ўрганиш борасида дадил қадамлар қўйилган, ҳар бир фуқаро учун спорт яқин дўстга айланган, хотин-қизлар турмуш шароитини яхшилаш борасида қатор вазифалар амалга оширилган эди. Вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”даги мазкур ташаббуси эса бу каби вазифалар қўламини янада кенгайтди, тизим ходимлари фаоллигини оширди.

“Ғафур Ғулом” маҳалла фуқаролар йиғини Самарқанд шаҳридаги ибратли маҳаллалардан бири. Кўп йиллик ўқитувчилик фаолиятига, қатта ҳаётий тажрибага эга бўлган Олимжон Ғафуров шу МФЙ оқсоқоли, қаттаю-кичикнинг яқин маслаҳатгўйи, кўмакчиси, кадрдонидир. Олти йилдирки, ушбу вазифада меҳнат қиляпти.

Олимжон Ғафуров педагогик фаолияти билан бир қаторда бўш вақтларида бадиий ижод билан ҳам шуғулланди. Унинг саккиз юздан ортиқ халқ таълими, миллий мусикамиз тарихи, маънавий ва маърифий, ижтимоий мавзудаги мақолалари, ҳикоя ва шеърлари шаҳар вилоят Республика газеталарида чоп этилди. Бундан ташқари “Шашмақом – буюк мерос”, “Абдулазиз хофиз”, “Хушнаво истар қўнгил”, “Кишанларни ёндирган ёлқин”, “Шарқ тароналари” номли китоблари кўп нусхада нашр этилиб, китобхонларга тақдим этилди.

2016 йил май ойидан Олимжон Ғафуровнинг оқсоқоллик фаолияти бошланди. Уни Самарқанд шаҳридаги “Ғафур Ғулом” МФЙ фуқаролари ўзларига сарқор қилиб сайлашди. Маҳалла кўҳна Самарқанднинг тарихий Сиеб ҳудудидаги энг йирик маҳаллалардан бири саналади. Ундаги мавжуд 486 та хонадонда 3502 нафар аҳоли тинч-осойишта ҳаёт кечирмоқда.

Оқсоқол Олимжон Ғафуров маҳалла тарихи ҳақида шундай фикр юритади:

“Ўтмишда маҳаллалар, мавзелар, жой номлари жуғрофий жойлашуви шу ху-

дудда яшовчи аҳолининг касб-кори, хунари турмуш тарзи ва келиб чиқишига қараб номланарди. Масалан, Кенжа Ёғчи мавзеси шу ерда яшаб, ўтган Кенжа бобо номига қўйилган. У киши ҳар хил ўсимликларнинг уруғидан жувоз ёрдамида ёғ тайёрлаш билан шуғулланган. Атрофдаги, ҳатто узоқ қишлоқларда истиқомат қилувчи деҳқонлар қунжут, зиғир, чигит каби ўсимликлардан ёғ тайёрлаш мақсадида у кишиникига келиб туришган. Шу-шу халқ орасида бу жой Кенжа ёғчи, деб аталиб кетган. “Ғафур Ғулом” маҳалласида халқимиз тилида “Роҳатижон” деб номланган салқинлатувчи ичимлик тайёрлаш қадим-қадимдан давом этиб келаётган анъаналардан саналади. “Роҳатижон” тайёрловчиларни муз билан таъминловчиларнинг энг машҳури Абулфайз яхчи бўлган. Энг қатта музхона ҳам унга тегишли эди. Унинг музхонасининг узунлиги 16 метр, эни 8 метр ва чуқурлиги 6 метр ва баландлиги 2 метрни ташкил қилган.

Қайрағоч дарахти шохининг учига темирдан қилинган маҳсул мослама ўрнатилган асбоб музчиларнинг муз ёришдаги асосий иш қуроли ҳисобланган ва у яхшуда уста Ражаб Азизовнинг олдида тушадигани йўқ эди. Музчиларни иш қуроли билан таъминлаш у кишининг зиммасида бўлган. Шунингдек, уста Ражаб Азизов ғалтак ва замбилғалтак ясашнинг ҳам ҳадисини олган хунарпешалардан эди. У кишининг ота-боболари ҳам ушбу касб орқасидан рўзғор тебратган”.

Олимжон Ғафуров оқсоқолликка сайланган иш фаолиятини дастлаб ҳудуддаги ўйдим-чуқур, ёзда чанг-тўзон, қишда лой бўлиб ётадиган Абдулла Қаххор кўчасига асфальт ётқиришдан бошлади. Шундан сўнг, энг йирик кўчалардан бўлмиш Олмалик, Ҳожи Муьин, Мунис, Тамхид, Ғафур Ғулом кўчалари ҳам текисланиб асфальт ётқизилди. 2019, 2020, 2021 йиллар давомида Наршахий, Тамхид, Олмалик, Ҳожи Муьин кўчалари ва берк кўчаларига давлат дастури асосида асфальт ётқизилди. Мавжуд 4 та кўчанинг яроқсиз ҳолга келиб қолган ичимлик суви қувурлари олиб ташланиб, ўрнига янги пластмасса қувурлари ўрнатилди.

Бир неча йиллардан бери маҳалла фуқаролари табиий газдан мосуво эди. Олимжон Ғафуровнинг бевосита ташаббуси туфайли Республика Президентига аҳолининг газга бўлган эҳтиёжини қондиришда амалий ёрдам беришини сўраб хат йўлланди. Масала юзасидан “Узтрансгаз” раҳбари айнан Ғафур Ғулом маҳалласига келди. Муаммо ҳал қилинди.

Маҳаллада ободончилик ишлари юкори даражада ташкил этилди. Мавжуд ўн иккита кўчабошилар билан бирга режа асосида Олмалик, Ҳожи Муьин, Тамхид, Наршахий кўчаларида эскириб, фойдаланиш муддати ўтиб кетган сув қувурлари янгисига алмаштирилди. Шунингдек, Тамхид кўчасида канализация қувурла-

ри ўтказилди. Энг асосийси, Олмалик, Ҳожи Муьин, Наршахий, Тамхид, Мунис, Ғафур Ғулом кўчалари ҳашар йўли билан бир неча боши берк кўчалар эса бюджет маблағлари ҳисобидан асфальт қилинди. МФЙ ҳудудига қарашли Андижон кўчасидаги ирригация тармоқлари носоз ҳолга келиб қолгани, ариқлар талаб даражасида эмаслиги сабабли, қўшни “Сайхун”, қисман “Кафтархона”, “Халифа Иброҳим”, “Чармгари” маҳаллаларидан қор, ёмғирдан ҳосил бўлган сувлар “Ғафур Ғулом” маҳалласи ҳудудида тўпланиб қоларди. Бу эса айрим хонадонларни сув босишига, уйлар деворларининг яроқсиз ҳолга келишига сабаб бўларди. Мутасадди ташкилотларга бир неча марта ана шу муаммони бартараф этиш мақсадида ёзма равишда мурожаат қилинди. Тегишли идоралар томонидан вазият ўрганилдию, аммо аҳвол ўзгармади.

Ниҳоят маҳалла фаолларидан бири Умид Зайниев вилоят ҳокими Э. Турдимовга телеграм орқали ёзма мурожаат билан чиқди. Натижада, икки-уч кундан сўнг ободонлаштириш бошқармаси ходимлари томонидан ариқларни қазиш ишлари амалга оширила бошланди. Янги бетон лотоклар ётқизилиб, сув йўли раволаштирилди. Нуқсонлар бартараф этилди. Маҳалла ҳудудида жойлашган Хўжа Абдуларун қабристонини ободонлаштириш, водопровод суви ўтказиш, йўлақларни асфальтлаштириш борасида маҳалла аҳли фаоллик кўрсатди. Олмалик – Андижон, Ғафур Ғулом – Садриддин Айний, Абдулла Қаххор – Садриддин Айний чорраҳаларида светофор ўрнатилди.

– Маҳалламиз аҳли асосан хунармандчилик билан шуғулланишади, – дейди Олимжон Ғафуров. – Масалан, Наврўз Муҳиддинов ўз оила аъзолари билан отасидан мерос қолган касбни танлаган. У шўрданак тайёрлайди. Вилоятимизнинг бир қатор бозорларини ўзининг маҳсулотлари билан таъминлайди. Ака-ука Ўктам ва Ўраз Лутфуллаевлар ҳам шу хунарни эъзозлаб келишяпти. Тадбиркор Ботир Рўзиев ўз оила аъзолари билан ҳамкорликда давлатдан кредит маблағлари олиб, ўз уйида ширинликлар пишириш мини цехи очган. Ҳозирда бу тадбиркор миллий ширинликлар тайёрлаб харидорлар эҳтиёжини қондиarmoқда. Мадина Турсунова банк кредит маблағи асосида ўз уйдан новвойхона ва сомсахона очиб, тадбиркорлик қилмоқда. Шунингдек, фуқаро Фарҳод Жалилов ҳам ўз уйдан маҳсул жой ажратиб, оила аъзолари билан биргаликда миллий таомлар тайёрламоқда. Акмал Ҳамдамов ўзи яшаётган уйининг қаттароқ қисмини умумий овқатланиш ошхонасига айлантириб, оила аъзолари ва маҳаллада яшаётган

кам таъминланган фуқаролар ва “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” да қайд этилган фуқароларни иш билан таъминлашга муваффақ бўлди. Жўракул Ўлмасов, Улуғбек Жўрақулов каби тадбиркорлар ўз уйларида оила аъзолари билан биргаликда новвот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида бир неча саргарошхона, гўзаллик салонлари, гўшт дўконлари, дорихона, мини маркет дўконлари, пойабзал, радио-телевизор ва бошқа электр анжомларини тузатиш устахоналари фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, маҳалла фуқаролари, мактаб жамоаси, ҳудудда жойлашган 12 сон оилавий поликлиника жамоаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда турли мавзуларда суҳбат, давра йиғилишлари ўтказилиб келинмоқда. Айниқса, врач кардиолог Камола Исмоилова-нинг “Гипертония касаллиги ва унинг олдини олиш”, “Тўғри овқатланиш саломатлик гарови”, 5-сон ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчиси С. Юсуповнинг ва Ҳ. Ибрагимовнинг “Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш”, “Санъат саодатимдир” ҳамда А. Мардоновнинг “Тадбиркор – элга мададкор” мавзуларидаги қилган суҳбатлари барчага манзур бўлди.

– Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан 2021 йил март ойидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Ҳар бир нуруний – беш нафар ёшга мураббий” тамойили асосида иш юритила бошланди, – дейди маҳалла оқсоқоли. – Ҳудудимизда ҳам нурунийлар ёшларга бириктирилган. Мавжуд 12 та кўчамизнинг 7 тасида маҳалламизнинг энг обрў-эътиборли, ташаббускор бўлган Эркин Қосимов, Равшан Ҳамроқулов, Саидмурод Илёсов, Турди Болтаев, Ҳожи Исмоил Насриддинов, Ҳожи Файзулло Ражабов, Қиёмиддин Ҳақимов каби нурунийларимиз истиқомат қилишади. Уларнинг ҳар бири беш нафардан тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюшмаган, ишсиз ёшларнинг ҳаёт йўлларини тўғри танлаб олишларида том маънода кўмак бермоқда. Улар билан турли тарбиявий мавзуларда суҳбатлар олиб бормоқдалар.

– Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси лавозимлари жорий этилгани, бу вазифаларга муносиб мутахассисларнинг танлангани мақсадга мувофиқ бўлди, – дея давом этади Олимжон Ғафуров. – Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси Алишер Мардонов ишга жиддий кириша олди. Унинг савий-ҳаракати билан 486 та хонадонда хатлов ўтказилди. Хатлов давомида 40 та муаммо аниқланди. Етти нафар фуқаронинг уй-жойга муҳтожлиги бундай муаммолар орасидаги зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган масала эди. Банк кредитига ёки моддий ёрдамга эҳтиёжи бўлганларга ҳам биринчилар қаторида ёрдам берилляпти. Бошқа муаммоларга ҳам ечим топиламоқда.

Кўряпмизки, бир маҳаллада етакчи шахснинг ўрни қанчалик муҳим. Қувонарлиси, бундай жонкуяр юртдошларимиз атрофимизда талайгина.

Абдурашул САТТОРОВ,
журналист

МИЛЛАТ ЭХТИЁЖИ



Хар қандай янгилик эҳтиёж ва заруриятнинг ҳосиласидир. Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китоби муқаддимаси ушбу ибора билан бошланади. “Дунёда ҳеч бир тонг бир хил отган эмас”. Демак, ривожланиш ўзгариш, янгилик ва эврилишлар бадалига содир бўлади. Чунки жадаллик билан ривожланаётган дунёда бошқача бўлиши мумкин эмас. Бу ҳаракат ҳаётнинг ўзи кўндаланг қўйган муаммоларга жавоб излаш билан ҳам изоҳланади. Сув захираларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ерлари биофондини тиклаш, шўрланган ва эрозияга учраган майдонларни қайта фойдаланишга киритиш зарурати каби муаммолар инвестиция ва илмий тадқиқотларни кенгайтириш, рақамли технологияларини кенг жорий этиш орқали илмий салоҳиятни янги босқичга кўтаришни талаб этади.

Мамлакатимиз таракқиётини, стратегик мақсадларини белгилаш, албатта, босқичма – босқич ҳаракатлар билан амалга оширилади. Бунинг учун эса унинг таракқиётини таъминлайдиган муҳим ислохотлар, режалар галма-гал амалга ошириб борилади. Токи стратегик ғоя, узоққа мўлжалланган мақсадга шу илк босқичлардан сўнг ўзининг бўй-бастини кўрсатади. Халқимиз, ота-боболаримиз азалдан ер ва сув орқали мўъжизалар яратган, ерга жон киргизиб ҳосил етиштирган. Худди шу маънода у аграр давлат бўлган. Тўғри, бугун биз индустриал давлатга айланган бўлсак ҳам барибир ернинг, сувнинг илмини билиш, бобокалонларимизнинг ҳаёт тарзига айланганини инкор этиб бўлмайди.

Шундай экан, Давлатимиз раҳбарининг илк президентлик фаолиятини бошлаган пайтданок, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ходимларига эътиборни қаратди ва кийинтирадиган ва едирадиган заҳматкаш деҳқонларнинг байрам кунини йўқлигини эътироф этиб, “Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилгани ёдимизда. Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 1 августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2017 йил 24 августда маъқулланган ушбу Қонун кенг қамровли ҳаракат ва фаолиятнинг, қайсидир маънода бошланиши эди. Кейинчалик, “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори ҳам бу борадаги тизимли ҳаракатнинг давоми бўлди.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида “Олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор ҳам худди шу йўлдаги навбатдаги босқич эди. Бу қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида, муҳандис ва техник кадрлар тайёрлаш бўйича, Олий ва Ўрта махсус касб-хунар муассасаларини мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда қишлоқ хўжалиги йўналишидаги Олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши, таълим жараёнини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, имкониятларини яратгани сир эмас.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети деб қайта номланиши билан боғлиқ қарорнинг юзага келиши мамлакат ривожини учун зарурий ҳодиса, қолаверса, давр эҳтиёждир.

Миллий тадқиқот университети фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бошқарув кенгаши раҳбари сифатида айнан Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазири Умурзаков Сардор Ўктамовичнинг бириктирилиши бу соҳанинг муҳим аҳамиятга моликлигини ва шу йўсинда бир қатор ишларни амалга ошириш заруратини билдиради.

Стратегик мақсадларни белгилаш учун босқичма-босқич ҳаракатлар муҳим. Таълим муассасамизнинг Миллий тадқиқот университетига айлантирилиши борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори давлат раҳбарининг кўпдан бери ўйлаб юрган режа ва тажрибаларининг ҳосиласидир дейиш ўринлидир.

Қолаверса, кейинги йилларда чекланган сув захираларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ерлари биофондини тиклаш,

шўрланган ва эрозияга учраган майдонларни қайта фойдаланишга киритиш, экотизимлар биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, “яшил энергетика” ва агротехнологиялар каби муҳим йўналишларда таълим, илмий тадқиқот ва ишланмалар трансферини самарали йўлга қўйиш замон ва макон талабидир.

Бундай долзарб глобал муаммоларни ечиш учун инвестициялар ва илмий тадқиқотларни кенгайтириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали илмий салоҳиятни янги босқичга кўтариш ҳамда ишланмаларни амалиётда қўллашга қодир бўлган муҳандисларни тайёрлаш масалалари устувор аҳамият касб этади.

Ушбу қарор замирида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш мақсади ҳам мавжуд.

Эндиликда Гидроэнергетика, ирригация тизимларини бошқариш, сув хўжалиги объектлари қурилиши, кадастр ва геоинформатика, “яшил иқтисодиёт”, “яшил энергетика”, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, рақамли технологиялар тармоқлари учун олий маълумотли муҳандис кадрларни тайёрлаш устувор масаладир. Бунинг амалга ошириш замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини шакллантириш, уни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш ва уларнинг трансфери бўйича самарали тизимни шакллантириш масаласи муҳимлиги қарорда акс этган.

Таълимдаги сифат ва самара илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратишга бориб боғланиши табиий. Бу эса етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан кўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни жорий этиш, университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, битирувчиларнинг республика ва хорижий олий таълим муассасаларида магистратура

ва докторантура дастурлари бўйича таҳсил олишларини ташкил этиш орқали ҳал этилади.

Таълимдаги натижадорлик эса ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш билан белгиланади. Бу ўз-ўзидан мустақил фикр юритиш, мантиқий мушоҳада ва креатив ёндаша олиш иқтидорига эга бўлган талаба ва магистрантларни тайёрлаш билан боғлиқ.

Халқимизда таълим олган таълим беради, тарбияланган одамгина тарбия беради деган машҳур ақида юради. Шундай экан, педагогларнинг билими ва коммуникатив компетентлик даражаси бугунги кунда устувор ва муҳим масала бўлиб у педагогик маҳорат муаммосига бориб боғланади. Профессор – ўқитувчиларнинг лингвистик компетенциясини шакллантириш, бошқача айтганда, риторик маҳорати, нутқ маданияти ва нотиклик санъатини ошириш мақсадга мувофиқ. Бусиз кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Педагогларнинг оғзаки ва ёзма нутқ маданияти, бошқача айтганда, саводхонлик даражаси, касбий-нутқий фаолиятда орфографик ва орфоэпик қоидаларга амал қилмаслиги ачинарлидир. Саводхонлик маънавиятнинг муҳим мезони эканини асло унутмаслик керак.

Университетимиз жамоаси ўқув-педагогик жараёнларни тубдан кўриб чиқиш, қишлоқ ва сув хўжалиги технологиялари йўналишида таълим, илмий тадқиқот ва ишланмалар трансфери жараёнларини ривожлантириш ҳамда илмий тадқиқот ва инновацион ишланмалар бўйича буюртмачилар билан манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш, таълим ва тадқиқот жараёнларига инвестицияларни жалб этиш, етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали алоқаларни ўрнатиш, бошқарув тизими ва ўқув жараёнлари, кутубхона ва ҳужжатлар айланмасини рақамлаштирувчи “Рақамли Университет” платформасига тўлиқ ўтишини таъминлаш каби масалаларни ҳал этишга жиддий киришгани кувонарлидир.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
филология фанлари номзоди

Бугунги глобаллашув даврида бир мамлакат ҳудудидаги вазият қолган ҳудудларга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Тарғибот усуллари замонавийлашгани ва техника тараққий этгани сари ақлий марказларнинг ахборот таҳлилий хизматларига ҳам талабнинг ортаётгани юртимизда бу соҳанинг янада ривожланишидан дарак беради. Мамлакат тараққиёти учун барча турдаги ақлий марказлар ўз ихтисослигидан келиб чиқиб, янада фаол ва самарали ишлаши лозим. Акс ҳолда ривожланаётган рақобат майдонида узоқ вақт туролмайди.

Шу сабабли, мамлакатимизда етакчи ақлий марказлар минтақавий сиёсий кайфиятни англаган ҳолда бугунги давр талаби ўларок, ўзларининг юқори таҳлилий асосга эга тавсиялари билан миллий манфаатларимиз ҳимоясини таъминлашнинг энг оптимал ечимини тақдим этиши лозим. Бунинг учун муваққил ақлий марказлар фаоллигига қараб рағбатлантириш, уларнинг сонини ошириш чораларини кўриш лозим. Ўзаро рақобат майдони улар фаолиятини белгилаши ва кучайтириши зарур. Нодавлат нотижорат ташкилотлари нафақат муаммоларни кўтариб чиқиши, балки энг маъқул ечимларни тақлиф этиш чораларини кўриши керак.

Бу борада Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам айтиб ўтилган. Унга кўра, Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган тақлифларини бериши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун, мамлакат ва ҳудудлар даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиб, грант ва ижтимоий буюртмаларни кўлайтиришимиз керак. Вазирлик ва идоралар ҳам бир четда томошабин бўлиб ўтирмасдан, бундай ижтимоий ҳамкорлик ишларини кенгайтириши лозим. Шунинг учун, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг фаолиятини такомиллаштириш даркор.

Юқоридаги белгиланган вазифаларнинг қанчалик долзарб ва ҳаётий эканини жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатлари тажрибасидан кўриш мумкин. Хорижий мамлакатларда сиёсий фанлар, менежмент ҳамда ижтимоий муносабат ва алоқаларни таъминлашга жуда катта эътибор берилади. Ривожланган мамлакатларда бу билмлар олий ўқув юрларида кенг ўқитилади ва ўрганилади. Шу билан бирга, ушбу мамлакатларда сиёсий тадқиқотлар билан шуғулланувчи махсус ил-



мий-тадқиқот марказлари, институтлар, фонд ва уюшмалар мавжуд. Масалан, АҚШда, аввало, ҳарбий тадқиқотлар олиб боришга қаратилган ҳозирда эса кенг қамровли тадқиқот олиб борувчи сиёсий таҳлил билан шуғилланган RAND (“research and development”) корпорацияси ҳамда Уруш ва тинчлик тадқиқотлари институти (IWPRI), Швецияда SIPRI (Стокгоlm халқаро тинчлик тадқиқоти институти), Францияда Ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларни ўрганувчи (IFRI) институти ҳамда Сиёсий фанлар институти (Institut des Sciences Politiques), Норвегияда Тинчликни тадқиқ этиш ва ўрганиш институти (PRIO) ва кўплаб жаҳонга машҳур шу каби ақлий марказларни келтириш мумкин. Дунёнинг етакчи ақлий марказлари равишда ташқи сиёсатида муҳим давлатларни доимий ўрганишда ва улар юзасидан давлат учун тавсиявий аҳамиятга эга таҳлилий материалларни тақдим этиб боради. Бу ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам аввалдан давлат қарамогига бўлмаган, балки хусусий марказлар бўлиб, кейинчалик фаолият соҳаларини кенгайтиришган. Ва уларнинг сифатли хизматида давлат ҳам эҳтиёж сезади ва ҳамкорлик тақлиф қилади. Бу каби марказларнинг асосий талабгорларидан бири бу сиёсий партиялар ҳисобланади. Ҳозирда фуқароларнинг кўплаб танқидларига учраётган партия ёки мансабдор шахсларнинг асосий камчиликлари ҳам мазкур марказ-

лар хизматида таянмаслик ва натижада чуқур таҳлилий асосга эга бўлмаган ҳаракатларни амалга ошириш туфайли вужудга келмоқда.

“Global Go-To Think Tank Rankings” маълумотларига кўра, 2019 йил дунёнинг 169 мамлакатига 7000 дан ортиқ илмий марказлар мавжуд бўлиб шулардан 1871 та ақлий марказлар АҚШда фаолият юритади. Вашингтон ДС Гайд (Washington DC Guide) ҳисоботида кўра, Брукнингс институти дунёнинг Топ 25 ақлий марказлар тоифасида доимий равишда дунё бўйлаб биринчи-

руви академияси ва Олий Мажлис қошидаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда “Тараққиёт стратегияси” марказлари мавжуд.

Ўзбекистон ўзининг амалий геосиёсати билан минтақада стратегик аҳамиятга эга. Бу жойлашув имкониятларидан тўла фойдаланиш ва шу билан бирга эҳтимолий таҳдидларни аниқлаб олдиндан бартараф этиш чораларини кўриш зарур. Ташқи алоқа ва келишувлар юзасидан қарорлар қабул қилишда, қонунларнинг камчиликлардан холи

МАНСАБДОРЛАР КЎП ТАНҚИДГА УЧРАЯПТИ

ликни эгаллаб келади. Уларнинг қарийб 400 таси Вашингтон шаҳрида жойлашган.

Бундан ташқари, бошқа ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам ақлий марказлар жуда кўп. Канада, Буюк Британия, Германия, Австралияда, Шарқий ва Ғарбий Европанинг аксарият қисмида, Осиё, Яқин Шарқ ва Африкада сўнгги йилларда илмий марказлар кўпроқ кўзга ташланмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда давлат миқёсидаги қарорларни қабул қилиш учун ички ва ташқи хавфсизлик масалалари юзасидан ахборот етказиб берувчи турли вазирлик ва органлар қошидаги марказлар мавжуд. Масалан, Президент ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (ИСМИ), шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг барчаси дастлабки маълумотларни олиш учун ўзларининг техник ва бошқа имкониятларига эга. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга, профессионал ходимларга эга.

Давлат бошқарувини ва ташқи сиёсий фаолиятни самарали олиб бориш юзасидан ташқи сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларини чуқур ўрганиш ҳамда мавжуд технологияларни такомиллаштириш масалалари бўйича маҳаллий тадқиқотлар асосан, қиёсий таҳлил асосида ва тарихий амалий тажрибаларга таянган ҳолда ўрганилади. Мамлакатимизда бу соҳа устида ишловчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқа-

шаклини яратиш ва самарадорлигини таъминлаш учун мамлакатимизда ақлий марказлар фаолиятини рағбатлантириш лозим. Бу марказларни профессионал кадрлар билан таъминлаш чораларини кучайтириш мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги муҳим қадамлардандир. Масалан давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг 82-мақсади (Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш) ҳамда 95-мақсади (Анъанавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтириш) бевосита ҳали деярли тан олинмаган Амирлик билан боғлиқ бўлиб, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, истиқболларини белгилаш учун, аввало, муҳим тайёргарлик сифатида ақлий марказларимизни бу жараёнларга кенг жалб этишимиз лозим.

Хулоса ўрнида, барча ривожланган мамлакатларнинг, негизда ақлий марказларнинг савияси муҳим рол ўйнаши, давлатларнинг ташқи манфаатларини ижобий равишда илгари суриш масалалари ва ички барқарорликка эришиш, давлатнинг ақлий марказларининг фаолияти билан боғлиқ эканини кўриш мумкин.

Сардорбек Жўраев,
Қонунчилик Муаммолари
ва парламент тадқиқотлари
институти БМТ ўқув маркази
бош мутахассиси

“Халқ хизматида сочи оқарган эди...”

Жаҳон тиббиёт илмининг асосчиларидан бири, буюк аллома Абу Али ибн Сино бобомиз айтганидек, одамлар дардига дармон бўлмоқ – эзгулик ва олийжанобликнинг юксак намунаси.

Чиндан ҳам, инсон саломатлиги жамиятнинг бебаҳо бойлиги, шифокорлар эса ана шу бойликнинг фидойи посбонларидир. Шундай инсонлардан бири ўз ҳаётини эл-юрт саломатлигини асрашдек гоёта масъулиятли ва шарафли ишга бағишлаган, дунёдаги энг улуғ касб эгаси, муқаддас касамёдига содик, ўз ишига фидойи инсон, машаққатли меҳнати эвазига обрў-эътибор топган Зиядуллаев Тўлқин Шамсиевичдир.

Ўзи салобатли, юзидан ҳар қандай инсон ҳам гапиришга ботина олмайдиган бу чинакам инсон ҳақиқатни очик-ойдин айта оладиган, очик кўнгил, самимий, ҳазилкаш инсон эди. Зиядуллаев Шамси ота акалари изидан бориб, эл-юрт саломатлигини асраш йўлида бор билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳоратини сафарбар этиш учун шарафли касб

эгаси бўлиш мақсадида Академик Павлов номидаги Самарқанд Давлат Тиббиёт институтига кириб, 1981 йилда мазкур институти В.р.ч Педиатр факультетини муваффақиятли тамомлаган.

Шундан кейин Тўлқин Зиядуллаев беморлар дардига шифо бериш учун “Ўзбекистоннинг Швейцарияси аталмиш Зомин сихатгоҳига ишга кирди ва у ерда бор кучи, ғайрати билан ишлади ва юксак ҳурмат - эътибор қозонди.

Яхшилар ёди

Жуда кўп беморларнинг дардига малҳам бўлди ва тез орада Зомин сихатгоҳининг бош шифокор ўринбосари лавозимига лойиқ кўрилди. Фаолияти давомида шифохонанинг турли хизматларию боғдорчилик, хўжалик ишларини тўғри йўлга қўйиб юқори марраларга эришди. Жумладан, 2002 йилдан 2007 йилгача она кишлоғининг марказий шифохонасида бош шифокор лавозимида фаолият юритди.

Тинчлик ва соғлиқ – бу ҳар бир инсон, бутун аҳолимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга кодирлигини ҳаммамиз яхши англаймиз. Бу инсон ҳам халқ соғлиги учун умрининг охиригача шу кишлоқда фаолият олиб борди. Ўзи болалар шифокори бўлсада, нажот истаб, даво излаб эшикдан келган ҳар бир инсонга инсонийларча, Гиппократ қасамига содик қолган ҳолда хизмат кўрсата олди. Бугун Шамси отани ёру дўстлари эслашса, “Халқ хизматида сочи оқарган эди”, дейишади. Ҳеч шубҳасиз, сидқидилдан ва жонбозлик билан меҳнат қилиб, ана шундай улкан ва масъулиятли вазифаларни шараф билан адо этишга кодир Тўлқин Шамсиевич эл-юрт олдида юксак ҳурмат ва обрў-эътибори ҳам унинг халқи олдидаги бурчини аъло даражада бажарганидан далолат беради.

Гулчирай ЗИЁДУЛЛАЕВА,
Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ
АКТ кафедраси катта ўқитувчиси

ТАРЖИМОНГА АЙЛАНГАН ҲУҚУҚШУНОС

ЖАМИЯТ
www.bong.uz



Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология ва
атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-108
Адади: 1507.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Муроджон РАҲМАТОВ

Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига “Шарқ”
нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6

Шундай инсонлар бўладики, ўз соҳаси билан машғул бўлишдан ташқари серкирра ижодий қобилиятини кеч бўлса-да, намоён этади ва бу борада сезиларли ишларни амалга оширишга ҳам улгуради. Ана шундай тиниб-тинчимас, зукко аёллардан бири бекободлик Гулзира Шарипова тўғрисида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Касби ҳуқуқшунос бўлган Гулзира Шарипова суд, прокуратура, ҳокимлик аппарати ҳамда адлия тизимининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилди ва ҳозир ҳам эл-юрт хизматидан бўшаган эмас. “Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти”нинг Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси директори, “Адолат” СДП Бекобод шаҳар Кенгаши раиси ва шаҳар Кенгаши депутати ҳамдир. У ўзининг ташкилотчилиги, меҳрибон ва одамларга ғамхўрлиги билан нафақат Бекобод шаҳрида, балки Тошкент вилоятида ҳам ҳурмат-эътибор қозонган аёл.

Гулзира Шарипова ёшлик давридан бадиий адабиётга меҳр қўйган, шеърлар машқ қилиб келган. Мен ундаги иқтидорни ва қобилиятни анчадан бери кузатиб келаман. Шеърларининг турк, араб, озарбайжон, рус, хинд тилларига таржима қилинганлигини эшитиб бағоят хурсанд бўлдим.

Ижодкор сўнги йилларда таржимонлик ишида ҳам яхшигина ютуқларни қўлга киритди. Ҳозиргача 50 га яқин озарбайжон ижодкорларининг 400 дан ортиқ шеър ва ҳикояларини, турк шоирларининг

кўпгина шеърларини ўзбек тилига таржима қилди. Немис ёзувчиси Генрих Дикнинг бир неча эртақларини, Россиялик ёзувчи Светлана Савицкаянинг “Балканы” романини турк тилига таржима қилишга улгурди. Бу роман таржимаси “Йил китоби” дея эътироф этилган. Шунинг баробарида Россиянинг халқаро “Олтин қалам” мукофотида лойиқ кўрилди.

Бундан ташқари Гулзира Шарипова Германиянинг “Золотой Гранд Германия” дипломига ҳамда ЮНЕСКО партнерлигидаги Бутун Жаҳон Ёзувчилар Иттифоқининг “Шекспир” медалли дипломига ҳам сазовор бўлди. “Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги” ва “Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги” кўкрак нишони соҳибаси.

Ижодкор доимо изланишда, таржима ишлари билан банд. Ҳозирда Қирғизистондаги “Туркий тилли давлатлар сиёсатини қўллаб-қувватлаш фонди”нинг лойиҳаси асосида озарбайжон шоирлари Вагиф Асланнинг шеърини тўпламлари, Нигор Ҳасанзоданин “Кумуш” номли шеърини китоби ҳамда Озарбайжон Миллий Фанлар Академиясининг



Ганжа филиалида фаолият юритувчи Низомий Ганжавий Марказининг катта илмий ходими Алимухтор Мухторовнинг китоби ўзбек тилига таржима қилиниб, китоб ҳолида чоп этилди. Гулзира Шарипова Туркиянинг Адана шаҳрида бўлиб ўтган 6-Чукурова Турк дунёси шеърини ва мусиқаси фестивали иштирокчиси. Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ҳайдар Алиев номидаги Маданият Маркази эълон қилган 2020, 2021 йиллардаги танловлар ғолибаси сифатида ҳам эътироф этилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқшуносдан чиққан таржимон адабий жа-раёнда ўз ўрнини топмоқда.

Ашурали БОЙМУРОД



ОСОН ТОПИЛГАН ПУЛ ҲУССАСИ

– Бекмурод эса, “қора бозор”да бир АҚШ доллари 10590 сўмдан эканини билдирди.

– Бораман, қолганини ўша ерда гаплашамиз, – гапни қисқа қилди таниши.

Бироқ Бекмуроднинг ёнидаги хориж валютаси келишилган миқдордан кам эди. Шунинг учун, у бир танишига телефон қилиб, яшаш хонадонидан аёли борлигини, ўшанга айтиб, уйдаги сейфда жойлашган 4 минг АҚШ долларини тезда олиб келиб беришини ўтинди. Шундай бўлди ҳам. Элдор қора полиэтилен пакетдаги пулларни санаш билан банд бу орада дўконда харидорлар ҳам анча гавжумлашиб қолганидан Бекмурод сири фох бўлиб қолишидан ҳадикда турарди. Аммо нафс куткуси уни тинчитмасди.

Бекмурод ҳар бир АҚШ долларини 10.590 сўмдан ҳисоблаб, 6100 АҚШ долларини 64.600.000 сўмга сотишга келишиб, танишидан 64.600.000 сўмни санаб олиб, эвазига 64.574.600 сўмга тенг булган 6.100 АҚШ долла-

рини берди. Бироқ осон пул топиш илинжидаги бу иш ва бу ҳол Бекмуродга вафо қилмади. У шу куни ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олинди.


Жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман суди биносида бўлиб ўтган мажлисда мазкур ҳолат юзасидан тегишли ҳулоса чиқарилди. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси маълум модда ва бандларига кўра айбли деб топилган Бекмурод суд мажлисида айбига иқроор бўлиб, қарамоғида 3 та вояга етмаган фарзандлари борлигини айтиб, енгиллик сўради.

Бекмуродга суд ҳукми билан 2 йил муддатга озрликни чеклаш жазоси тайинланди. Ўйлаймизки, ушбу ҳолат унга етарлича сабоқ бўлади ва энди тўғри йўлидан адашмайди.

Жўрабек УМАРОВ,
Иқтисодий жиноятларга
қарши курашиш Департаменти
Хўжаобод туман бўлими
инспектори

Бекмурод Алишеров муқаддам ҳам қилмиши учун жазо ўтаб чиққан. Қарангки, бу ҳолат унга етарлича сабоқ бўлмаган экан. Акс ҳолда, бугун у яна суд залида бош эгиб турмасди. Ҳаммасига осон даромад илинжи сабаб бўлди.

Бекмурод бир танишининг дўконидан сотувчи бўлиб ишларди. Савдодан топаётган даромадига қаноат қилмасдан, баъзида валюта савдоси билан ҳам шуғулланган. Кунларнинг бирида унга ўзига олдиндан таниш бўлган шахслардан бири қўнғироқ қилди ва 6100 АҚШ доллари жуда зарур эканини айтиб, АҚШ доллари нархини суриштирди.



Ибн Сино рассом бўлганми?

Дунёда инсон омили тараққий этиб, санъат соҳасига бўлган қизиш кун сайин ортиб бормоқда. Чунки давлатнинг тараққий этиши мазкур жамиятдаги инсонларнинг маданий онгини юксалтириш билан бевосита боғлиқ. Инчунин, мамлакатимизда тасвирий ва амалий санъат соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мақсадли ишлар амалга ошириляётир.

Қарорда рассомчилик соҳасида кадрларни тайёрловчи Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг фаолиятини янада ривожлантиришга доир бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик, музейшунослик соҳаларида замон талаби ва халқаро стандартларга жавоб берадиган стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсад қилинган.

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти юқорида қайд этилгани каби республикаимизда бадиий таълимга ихтисослашган ягона олий таълим муассаси бўлиш баробарида, юртимизга тасвирий ва амалий санъат, дизайн санъатшунос, музейшунос кадрлар етказиб берувчи етакчи таълим даргоҳи ҳисобланади. Шу омилни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, мазкур илм маркази-

да узок йиллардан буён ўз фаолиятини олиб бораётган олимларнинг ёшларга илм бериши муҳим ҳисобланади. Яъни келажак авлод тарбиясига берилган эътибор эртанги кунга берилган эътибордир.

Шу ўринда, умумтаълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг билимини ошириш, қобилият ва истеъдодини намоён этишга қаратилган ҳаракатларни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур. Шу билан бирга, ўқувчиларда ватанпарварлик, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини уйғотиш ва шакллантириш, уларнинг фикрлаш тафаккурини юксалтириш, табиатга бўлган муҳаббатини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, тасвирий санъат асарлари инсондаги ажойиб фазилат – дунёни ўрганиш, борлиқни билиш каби омилларни шакллантиради. Шунингдек, тасвирий санъат инсоннинг ривожланиши ва шаклланишига ёрдам берадиган тарбиячи ҳамдир. Ҳаттоки, жаҳонга машҳур адабиётчи, тарихчи, шоирлар, ёзувчилар, географ ва бошқа бир қанча соҳа алломалари расм чизишни яхши билган. Улардан Ибн Сино, Улуғбек, Беруний, Пушкин, Менделеев, Тагор ва қўшиқчи Ботир Зокировлар расм чизиш билан жиддий шуғуллангани баъзи манбаларда келтирилган. Хуллас, ҳар бир соҳа ижодкори учун расм чизиш, тасвирий интелектини ошириш ва бойитиш катта ижодий имконият ва озука беради.

Парвина ХУДОБЕРГАНОВА,
Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
магистри

Жумладан, Президентимизнинг “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши жабҳада янги даврни бошлаб берди.

Ўз навбатида, мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори кучга кирди.



Сўз ва соз “суҳбати”

Ўзбек мумтоз адабиёти, санъати нодир асарларга бой. Умри боқий ғазалларимиз, куй-қўшиқларимиз кўп. Аммо кейинги йилларда мумтоз жанрларга “қўл урилмай” қўйилди. Тўғри, аруз вазнида ёзиш учун муайян билим ва тажриба керак, қолаверса, аруз илмидан хабардор бўлишга тўғри келади.

Мақом йўналиши кўпроқ катта ёшдаги тингловчиларни қизиқтиргани сабаб унинг қамрови тор. Ёшлар, асосан, замонавий енгил-елпи тайинли мазмуни бўлмаса ҳам оҳангга ишқибоз бўлиб унинг ортидан эргашади.

Аслида, мақомчиликда ҳам қисман замонга мослашув бўлиши керак, оҳанглар, овозлар танлашда бир хилликдан қочиш лозим. Бу борада бастакорларимиз ҳам янгича ёндашувларни қўллаб, ёшлар аудиториясини ўзига жалб қилиб олиши керак.

Яқинда ёш ғазалнавис шоир Рустам Мирвоҳиднинг “Шом-у шам” радибли ғазалига Ўзбекистон халқ артисти, танкили бастакор Абдуҳошим Исмоилов янги услубда куй басталади. Бу ҳақиқатан, ёшларни ҳам ўзига тортадиган мириқиб тинглайдиган қўшиқ бўлибди.

Мусиқа жуда муҳим восита, аммо ҳар қандай куйнинг яралиши шеър ёки ғазалнинг мазмунига боғлиқ. Шу маънода, шоир Рустам Мирвоҳиднинг

“Шом-у шам” ғазали ўзбек мумтоз адабиётининг энг сара ғазаллари оҳангида ёзилган. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, шоир мумтоз анъанани сақлаган ҳолда унда сезиларли замонавий рух ҳам бера олган. Шунинг учун, бастакоримиз ҳам янги-чарухда, полифоник оҳанг ярата олган:

*Зулфуҳуснинг ёдга тушса
ёдланармиш шому шамъ,
Ишқ аро бурутбасидан
шодланармиш шому шамъ.*

Шам ва парвона образида ишқнинг гавдаланиши, ошқнинг ёр ҳажрида куйиб ёниши, зорланиши, озорланиши тасвирланади.

Рустам Мирвоҳид ҳам мумтоз шоирлар йўлидан бориб ошқ ва маъшуқ муносабатларини шом-у шам образида гавдалантиради ва бошқаларда учрамайдиган ноёб топилмалар, янги ўхшатишлар кашф қилади:

*Гоҳи ҳажрингда риё чун
қўзатиб рашиқоқлигим,*

*Тунланармиш... пирпирармиш...
додланармиш шому шамъ.*

Шеърятда, айниқса, ғазалларда талмех санъатидан унумли фойдаланилади. Унинг энг яхши намуналари Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасида учрайди. Рустам Мирвоҳид ҳам талмехни қўллашда айнан ишқ билан боғлиқ машҳур образлардан янгича усулда ва мазмунда фойдаланади:

*Мен-ку Қайс авлодиман деб
ифтихор этсам, қара,
Лайлининг зурёди биз деб
зодланармиш шому шамъ.*

Ишқнинг даражасини кўрсатиш учун бундан ортиқ далил келтириб бўлмаса керак. Бунинг устига ифода ҳам ўзига хос, яъни бошқа ғазалларда Лайлиман, Мажнунман, деб таъкидланса, шоир буни авлод билан боғлайди.

Ғазалнинг кулминация нуқталаридан бир ажойиб сўз ўйини билан ифодалангани ғазалга кўтаринкилик бахш этган:

*Беқарормиш тил учиди
васли бомдодинг учун -
Ёрланармиш ёт-ла, ёр-ла
ётланармиш шому шамъ.*

Ёрланиш ва ётланиш бу икки муҳим тушунча: висол ва айрилиқни янгича ифодалашдир. Бунинг устига ошқнинг қувончли кунидан ғамли, қора кун кўп, у ошқ бўлгани учун ҳам маҳзун юради. Унинг доимий зулматини фақат ёр шам каби ёритади. Бу тақдир-у азал. Навоий ва бошқа ижодкорларда учрамайдиган ифода тақдирнинг шахматга ўхшатилишидир. Бу ўринда, шоирнинг ўзи ғазал мақсадида ошқ сифатида пайдо бўлади ва анъанани бироз ўзгартиради, яъни ак-

сар ҳолларда ошқлар машуканинг қўйида адо бўлади, ютқазади, тақдирга тан беради. Рустам Мирвоҳид замонавий ошқларга адо бўлиш эмас ишқ тахтасида дона сурганда садоқат билан рақибларни мот қилиш, тун зулматни мағлуб этиб, чин ошқликни исбот қилишга ўргатаётгандек назаримда:

*Ҳар на қилсун, лек садоқат
отлиг ул шатранж уза
Дона сурса Рустаминг-ла
мотланармиш шому шамъ.*

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Рустам Мирвоҳид ўз ғазаллари билан ўзбек шеърятнинг қуёши ҳисобланган Навоий шеърятини муносиб давом эттиришга уринмоқда. Унинг ғазалларида хассос шоир, ғазалнавис Эркин Воҳидов шеърларидаги каби самимийлик, кўтаринкилик, фалсафийлик бор.

Ҳали санъатшунослар ҳам ўз муносабатини билдиришса керак, аммо биз бир шеърят мухлиси, мумтоз қўшиқлар, ғазал шайдоси сифатида “Шом-у шам” радибли мазкур ғазал ва унга басталанган куй ўзбек мақомчилигида янги ҳодиса бўлди, деб ўйлаймиз. Рустам Мирвоҳид ижодида хали кўплаб бундай санъат асарига айланадиган шеърлар, ғазаллар бор. Ҳар ким шеър ёзиши, ёзиб кўриши мумкин, аммо ғазалга мурожаат қилиш мушкул. Шу маънода, ўзбек адабиётида бундай истеъдодлар янада кўпайишини ва Навоий замонидаги каби ҳамма шеър ва куй завқидан роҳат олиб фароғатда яшаса, миллий маънавиятимиз, жамиятимиз фаровонлашиб бораверарди.

Ғофир ҲАМРОЕВ